

ХАЛҚИМИЗНИ САБЗАВОТ, КАРТОШКА, МЕВА, УЗУМ ВА ҚОВУН-ТАРВУЗ БИЛАН МЎЛ-КЎЛ ТАЪМИНЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 йил чиқиши

№ 243 (3725).

13
ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

1967 йил

Баҳоси 2 тийин.

Биз имкониятларимизни синчиклаб ва ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқдик, шу сабабли 1968 йилда колхозларда ва давлат хўжаликларида 824 минг тонна сабзавот, 409 минг тонна қовун-тарвуз, 214 минг тонна картошка, 160,8 минг тонна мева, 230,7 минг тонна узум етиштирилиши, давлатга 412,3 минг тонна сабзавот, 137,4 минг тонна қовун-тарвуз, 60 минг тонна картошка, 59,2 минг тонна мева, 145,6 минг тонна узум, 6,6 минг тонна майиз ва 8,5 минг тонна қуруқ мева сотилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

(Ўзбекистон сабзавоткорлари, боғдорлари ва соҳибкорлари қурултойи қатнашчиларининг мувожазидан).

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОЛХОЗЧИЛАРИГА, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИГА, ТАЙЁРЛАШ, САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИГА

Ўзбекистон сабзавоткорлари, боғдорлари ва соҳибкорлари қурултойи қатнашчиларининг МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! Биз сабзавоткорлар, боғдорлар ва соҳибкорларнинг республика қурултойига ҳар бир совет кишиси учун қувончли ва шодона кунларда тўпландик. Яқиндагина юбилей тантаналари тугади, советлар мамлакати ўз умрининг иккинчи эзлик йиллигига қадам қўйди. Бепоян давлатимизнинг ҳамма жойида одамлар юбилей йилини муваффақиятли тугаллаш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эзлик йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Совет Иттифоқининг барча халқлари билан бирга республикамизнинг кишлоқ хўжалик меҳнатчилари ҳам юбилей хирмонига бир талай ҳисса қўйдилар. Республикамиз тўрт миллионли маррадан яна ўтиб кетди. Республика шонликорлари, пиллачилари ва қорақўлчилари ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Биз—сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик ходимлари ҳам ҳамма билан бир сафда бормоқдамиз. Партия ва ҳукумат сабзавотчиликни, боғдорчиликни ва узумчиликни ривожлантиришга ҳаммаша жуда катта эътибор бериб келмоқда. Кишлоқ хўжалигининг шу тармоқлари техника, минерал ўғитлар билан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситалари билан йилдан йилга тобора кўп таъминланмоқда. Шу ғамхўрлик туфайли республиканинг сабзавотчилик хўжаликлари, боғдорчилик-узумчилик колхозлари ва совхозлари бу соҳадаги жиддий қоқоқликни кейинги вақтларда тугата бошладилар, маҳсулот етиштиришни ва, давлатга сотишни кўпайтирдилар.

Республикамиз сабзавот, қовун-тарвуз, мева ва узум тайёрлаш йиллик планини тўла бажарди, тайёрланган шу маҳсулотларнинг умумий ҳажми эса, бу йил қарийб бир миллион тоннага етди. Бу эса, республика пойтахти Тошкент шаҳрининг меҳнаткашларини, республикамиздаги бошқа шаҳарлар ва саноат марказлари меҳнаткашларини шу маҳсулотлар билан таъминлашни анча яхшилашга, Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа йirik марказларига сабзавот ва мева-лар юборишни кўпайтиришга имкон берди.

Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Фарғона областларининг сабзавоткорлари, боғдорлари ва соҳибкорлари яхши ишладилар. Сабзавот ва картошкани ўтган йилдагига нисбатан 18 минг тонна кўп сотган Калинин райони сабзавоткорларининг ишини ҳар томонлама рағбатлантирсак арзийди.

Наманган районидagi Тельман номи, Ленин районидagi «Правда Востока», Самарқанд районидagi «Москва» колхозлари сабзавот сотиш планини ҳам анча ошириб бажардилар. Фарғона районидagi «Ленинбод» колхоз, Ўзбекистон районидagi Мукимий номи колхоз, Самарқанд районидagi «Ўзбекистон» колхоз ва бошқа бир қанча колхозлар ҳам планларини ортиги билан бажардилар. Шаҳар атрофидаги Партия XXI съезди номи совхоз, «Қорасув», «Назарбек», «Тошкент» совхозлари ва бошқа совхозлар мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берувчи катта хўжаликлар бўлиб қолишди.

Ўзбекистон боғлари ва тоқзорлари майдони 200 минг гектарга яқинлашиб қолди. Кўп районлар, колхозлар, совхозларда мева дарахтлари ва тоқлар меҳр ва муҳаббат билан парвариш қилинмоқда, катта-катта ҳосил бермоқда.

Оржоникидзе районидagi боғдорчилик ва узумчилик муваффақиятли равишда ривожлантирилмоқда. Кейинги йилларда республикадаги энг катта ҳосил мана шу район боғлари ва тоқзорларидан олинди. Самарқанд районидagi хўжаликлар катта-катта майдонлардаги тоқзорларнинг ҳар бир гектаридан 150-200 центнерга етказиб узум узмоқда-

лар. Янгйер районидagi «Коммунизм» колхозиди, Самарқанд районидagi «Ленинбод» ва Энгелс номи, Калинин районидagi Карл Маркс номи колхозларда ҳар йил мева ва узумдан мўл-кўл ҳосил етиштирилмоқда. Қашқадарё облаstdagi «Китоб» боғдорчилик-узумчилик совхоз, Ўзбекистонда ва бошқа республикаларда ҳам кенг равишда танилган. Бу совхозда тоқзорларнинг ҳар бир гектаридан ҳар йил 250-350 центнерга етказиб узум узилмоқда.

Бироқ, шу вақтгача қилинган ишларнинг ҳаммаси олдимизда турган ишларнинг бошланғичдир, холос. Қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Биз шунга эришмоғимиз керакки, сабзавот, мева, узум бутун йил бўйи меҳнаткашлар дастурхонидан аримасин ва ҳаммаша мўл бўлсин.

Биз имкониятларимизни синчиклаб ва ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқдик, шу сабабли 1968 йилда колхозларда ва давлат хўжаликларида 824 минг тонна сабзавот, 409 минг тонна қовун-тарвуз, 214 минг тонна картошка, 160,8 минг тонна мева, 230,7 минг тонна узум етиштирилиши, давлатга 412,3 минг тонна сабзавот, 137,4 минг тонна қовун-тарвуз, 60 минг тонна картошка, 59,2 минг тонна мева, 145,6 минг тонна узум, 6,6 минг тонна майиз ва 8,5 минг тонна қуруқ мева сотилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу жумладан:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 270 минг тонна сабзавот, 86 минг тонна қовун-тарвуз, 88 минг тонна картошка, 40,8 минг тонна мева ва 46,1 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 186,7 минг тонна сабзавот, 56 минг тонна қовун-тарвуз, 32,4 минг тонна картошка, 24,5 минг тонна мева, 37,8 минг тонна узум ва 0,5 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 31 минг тонна сабзавот, 52 минг тонна қовун-тарвуз, 15 минг тонна картошка, 9,8 минг тонна мева, 21 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 6,3 минг тонна сабзавот, 17 минг тонна қовун-тарвуз, 1 минг тонна картошка, 3,1 минг тонна мева, 16,1 минг тонна узум ва 0,2 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 84 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна қовун-тарвуз, 30 минг тонна картошка, 21 минг тонна мева, 10 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 31 минг тонна сабзавот, 6 минг тонна қовун-тарвуз, 9 минг тонна картошка, 4,6 минг тонна мева, 7,3 минг тонна узум ва 2,7 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

АНДИЖОН ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 115 минг тонна сабзавот, 46 минг тонна қовун-тарвуз, 10 минг тонна картошка, 28 минг тонна мева ва 17,8 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 52,7 минг тонна сабзавот, 9,6 минг тонна қовун-тарвуз, 2 минг тонна картошка, 9,7 минг тонна мева, 12,9 минг тонна узум ва 1,6 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 154 минг тонна сабзавот, 51 минг тонна қовун-тарвуз, 44 минг тонна картошка, 29,2 минг тонна мева ва 82,8 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 77,8 минг тонна сабзавот, 10,6 минг тонна қовун-

тарвуз, 11 минг тонна картошка, 8,3 минг тонна мева, 34,5 минг тонна узум, 6,5 минг тонна майиз ва 2,8 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

БУХОРО ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 42 минг тонна сабзавот, 31 минг тонна қовун-тарвуз, 2,5 минг тонна картошка, 5,6 минг тонна мева ва 17,5 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 10 минг тонна сабзавот, 8,2 минг тонна қовун-тарвуз, 0,3 минг тонна картошка, 1,1 минг тонна мева, 11,9 минг тонна узум ва 0,1 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 45 минг тонна сабзавот, 38 минг тонна қовун-тарвуз, 5,5 минг тонна картошка, 11 минг тонна мева, 17,9 минг тонна узум етиштириб беришлари, давлатга 17 минг тонна сабзавот, 6 минг тонна қовун-тарвуз, 1 минг тонна картошка, 3,2 минг тонна мева, 12,2 минг тонна узум, 0,1 минг тонна майиз ва 0,2 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 28 минг тонна сабзавот, 19 минг тонна қовун-тарвуз, 5 минг тонна картошка, 9,3 минг тонна мева ва 13,1 минг тонна узум етиштириб беришлари; давлатга 12 минг тонна сабзавот, 6 минг тонна қовун-тарвуз, 1,5 минг тонна картошка, 3 минг тонна мева, 10 минг тонна узум ва 0,4 минг тонна қуруқ мева сотишлари лозим.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 25 минг тонна сабзавот, 30 минг тонна қовун-тарвуз, 3,7 минг тонна картошка, 2 минг тонна мева ва 2,6 минг тонна узум етиштириб беришлари; давлатга 8,8 минг тонна сабзавот, 7 минг тонна қовун-тарвуз, 0,3 минг тонна картошка, 0,6 минг тонна мева ва 1,9 минг тонна узум сотишлари лозим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Колхозлар ва давлат хўжаликлари 30 минг тонна сабзавот, 24 минг тонна қовун-тарвуз, 10,3 минг тонна картошка, 4,1 минг тонна мева ва 1,9 минг тонна узум етиштириб беришлари; давлатга 10 минг тонна сабзавот, 11 минг тонна қовун-тарвуз, 1,5 минг тонна картошка, 1,1 минг тонна мева ва 1 минг тонна узум сотишлари лозим.

Маҳсулот етиштириш мана шу миқдорга етказиш учун, маҳсулот хиллини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун биринчи гада ҳосилдорликни ошириш ва ернинг ҳар бир гектаридан самарали фойдаланишни таъминлаш зарур. Шу сабабли, сиз ўртоқларга муурожаат қилиб шуни айтмазмики, ҳозирдан бошлаб ҳар бир кунни ғанимат билиб, келгуси йилда мўл ҳосил олишни таъминлайдиган ҳамма ишларни кенг авж олдириш керак.

Дала-ларни бегона ўтлардан тозалашни, ерларни шудор қилиб, албатта ўғит солиб қўйишни, уруғлик картошкани ҳамда сабзавот ва қовун-тарвузнинг навли уруғликларини жамғариб қўйишни яқин фурсатлар ичида тугаллаш керак. Эртаги сабзавот ва картошкани ўз вақтида экиб олиш учун дарҳол ерларни текислаб, эгат олиб қўйиш ва хўжаликлар ичидаги суғориш шохобчаларини тозалаб қўйиш зарур. Сабзавот кўчатларини, эртаги сабзавотларни теплица-ларда, парникларда, иситилган ерларда ўстириш ишларининг ҳаммасини ўз вақтида ўтказишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Қиш вақтида мева дарахтларини бутаб қўйиш, қатор ораларини юмшатиш, мева дарахтлари атрофини чопиб қўйиш, сўри ва ишқомларни ремонт қилиб, янгиларини ўрнатиш ҳамда минерал ўғитлар солиб қўйиш ва яқоб бериш боғлар ва тоқзорлардан мўл ҳосил олишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бутун ишимизнинг муваффақиятли бўлиши дала-ларда, боғларда ва тоқзорларда ҳамма ишларни юксак даражада ушшоқлик билан ўз вақтида ўтказишимизга ва бу ишларни юксак агротехника даражасида бўлишни таъминлашимизга, фан муваффақиятларини ва илгорларнинг тажрибаларини дидиллик билан кенг жорий қилишимизга боғлиқдир.

Мева ва сабзавотлар, узум ва картошка етиштиришни кўпайтириш, маҳсулот тайёрлаш ва савдо ташкилотлари ходимларидан шу маҳсулотларни тайёрлашда ва истеъмолчига етказиб беришда тегишли тартиб ўрнатишларини талаб қилади.

Республикада парник-теплица хўжалигини янада ривожлантириш учун жуда катта маблағлар берилмоқда. Шу ишларни бажараётган қурувчиларга муурожаат қилиб шуни айтмазмики, ишларнинг суръатини тезлаштиришга ва сифатини яхшилашга эришингиз. Сабзавот етиштиришни кўпайтириш, меҳнаткашларни қиш ва баҳор вақтида шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш парник ва теплица-ларнинг нақадар тез ишга туширилишига боғлиқ эканлиги эсингизда бўлсин.

Консерва саноатининг ходимлари сабзавот ва мева консерваларини ва айниқса хилма-хил мева шарбатларини ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш учун ҳамма чораларни кўришлари зарур.

Маҳсулот етиштириш ва уни сақлаб қўйиш билан иш битмайди. Буни ҳамма билади. Шу билан бирга, бу маҳсулотни истеъмолчига ўз вақтида ва тўла равишда етказиб ҳам бериш керак. Бу эса, савдо ташкилотларининг яхши ишлашига боғлиқ. Биз савдо ходимларини ихтисослаштирилган магазинлар, дўконларни, озиқ-овқат магазинларидаги бўлимларни кўпайтиришга, шу мақсад билан савдо қилишни уюштиришда колхозларга ёрдам бериб туришга қақирамиз. Кишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот муассасаларининг ходимларини сермаҳсул янги навларни яратишга, ҳамма ишларни механизациялаш негизда агротехникани такомиллаштиришга кўпроқ эътибор беришга қақирамиз. Улар ўзларининг шу ишлари билан халқимиз учун юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштириб беришимизга кўмаклашишлари лозим.

Азиз ўртоқлар, биз сизларни 1968 йил планларини муваффақиятли бажариш ва республикада маҳсулот етиштиришни кўпайтирмоқ учун мустаҳкам замин вужудга келтириш ишига бутун куч ва ғайратингизни сарфлашга қақирамиз. 1970 йилда республикада сабзавот етиштиришни 1 миллион 157 минг тоннага, картошка етиштиришни 251 минг тоннага, қовун-тарвуз етиштиришни 476,9 минг тоннага, мева етиштиришни 231,2 минг тоннага ва узум етиштиришни 303,2 минг тоннага етказишимиз, сабзавот харид қилишни 576 минг тоннага, картошка харид қилишни 60 минг тоннага, қовун-тарвуз харид қилишни 280 минг тоннага, мева харид қилишни 91 минг тоннага, узум харид қилишни 200 минг тоннага ва қуруқ мева харид қилишни 23,1 минг тоннага етказишимиз лозим.

Бизнинг бу муурожаатимиз жуда қизғин равишда маъқулланишига ва қувватланишига, янги 1968 йил сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштиришда янги юксак иш йили бўлиб қолишига астойдил ишонамиз.





Суратда: касалхонанинг бир гуруҳи врачлари (чапдан бешинчи—бош врач ўртоқ М. Е. Оловидинова)



Шифокхона дорихонасининг ходимлари Н. Канайева ва Р. Бекмухамедовлар.

ЖОНАЖОН ШИФОКОРЛАР

— Қизча ўлмаслиги керак... Бош врачнинг секин айтган бу сўзларида ҳам илтико, ҳам ачиниш, ҳам буйруқ аломатлари бордай эди. У қаршисида турган ташвишчи ҳамкасбасида ўйчан тикилар экан, «нима бўлди?» деб сўраётгандай эди.

— Қизчани кеча кечкурун келтиришди. Уқаси икки томонлама шамоллаган. Ҳарорати жуда баланд. Ахволи оғир.

— Қизча ўлмаслиги керак... Бу сафар бош врачнинг товуши қаттиyroқ эшитилди. Унинг сўбатдоши тушунди, дегандай, хонадан секингина чиқиб кетди.

Мукаррама Ёқубовнанинг оромни бузди. У хона ичига у ёқдан бу ёққа юрар, ҳозиргина бўлиб ўтган сўбатнинг ҳар бир сўзларини тақор-тақор эслади. У тўппа-тўғри икки касалликлар бўлишига йўл олди. Унинг тушундига ётган қизчани ўз кўзи билан қўрмоқчи бўлди.

...Узун кийрикли, тизқора кўзлар беажаол юмилган. Иссиқдан бўриб кетган, маъжус юзларда лоқайдлик белгиси. Қизча ва тез-тез нафас олиши хаста ахволининг оғирлигидан далolat бериб турибди.

Палатага бош врач кириб келди. У қизчанинг кўл томирларини ушлаб кўрди. Орага ноҳус сукунат чўкди.

— Унинг юраги бақувват, бардош бериши мумкин. Фақат эҳтиёткорлик керак. Елена Александровна қизчага сиз қаралсанми?

Врач Е. А. Паршина бош силкиди. Кейин Мукаррама Ёқубовна кўшиб кўйдди.

— Доридордон беришни давом эттиравемиз...

Бемор бошига йиғилган врачлар тарқалишди. Мукаррама Ёқубовна кабинетига қайтиб борди. У ўз ўрнига ўтириши билангина яна кўз олдига ажал билан олишаётган қизчанинг кўзларини келди. «Ахволи ҳақиқатан ҳам оғир...» қайлидан ўтказди бош врач. У нима учундир ҳалдан ташқари ташвишлар, асабийлашар эди.

— Нахотки, нахотки уни...

Бир касалхонанинг ўзида учта жарроҳлик, икки асаб, қулоқ-томоқ-бўғун касалликлари бўлишларининг мавжудлиги, бийрўла турли хил касалликларни даволаш мумкинлиги, бўлишларининг ҳозирги замон асаб-қулоқлар билан жиҳозланганлиги ҳорийни йиғирма тўрт мамлакатдан келган меҳмонларга маълум тушган эди...

«Катта доктор» деб ном чиқарган қиз Мукаррама эди. У тиним билмас, кечаси ҳам, кундузи ҳам, ёзда ҳам, қишда ҳам йўлда, от устида эди. Бир-бирдан узок жойлашган қоллар, қишлоқлар, посёлалар, овуллар... Эриниш, рад этиш ҳис-туйғуларини унут бўлиб кетган эди Мукаррамага... Бу



Профессор Р. Х. Тагиров ўзини хонасида болалар билан сўхбат ўтказмоқда.

носта катта доктор келибди» деган миш-мишлар тарқалди. Одамлар «катта доктор»ни кўриш овозсизла юришди. Бир кун кимдир от миниб кетаётган ёшгина қизчани кўраётган «катта доктор мана шу» деганда, одамлар хайратда қолишиб ёқасини ушлашган эди. Ўзи қичкинагина бўлса ҳам

лишига ундайдир. Балки ана шу беғубор муҳаббат унинг ҳаёт бўлини таллаб бергандир. У жуда кўп гўдаклар ҳаётини сақлаб қолган, жуда кўп мушкул ҳолатларга дуч келган. Унинг билими, тажрибаси, жонсарақлиги гўлиб келган эди ўша давларда. Бугун эса, бугун эса бир жажжи қизчани

ажал чапғилига ташлаб қўйсаю, тез ёрдам беролмас...

Эртаси кунни янги бағоят келган Мукаррама Ёқубовна яна тўппа-тўғри икки касалликлар бўлишига кирди. Ўлим мудираси Матлуба Хабибова дуч келиб қолди.

— Қизчанинг ахволи қайдай? — сўради бош врач.

— Кечагидай...

Мукаррама Ёқубовна стулга ўтириб қолди. Қизчанинг тақдирини яна уни қаттиyroқ ташвишга солаётган эди... Мана мақталган касалхона, «молдентия...» Болалар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича яқинда Тошкентда бўлиб ўтган халқаро семинар иштирокчилари 14-кўп профилли бирлашган шаҳар болалар касалхонасини келиб кўришган ва мақталган эдилар. Америка профессори Клембер, югославияли профессор Пансини, Ўзбекистон Миллатлар Таъкилотининг вакили Сино ва бошқалар бу шифокхона ҳақида янги гаплар айтишган эди. Сенегал вакили бу ерда «болалар учун яратиб берилган жаннат» деб атади.

Бир касалхонанинг ўзида учта жарроҳлик, икки асаб, қулоқ-томоқ-бўғун касалликлари бўлишларининг мавжудлиги, бийрўла турли хил касалликларни даволаш мумкинлиги, бўлишларининг ҳозирги замон асаб-қулоқлар билан жиҳозланганлиги ҳорийни йиғирма тўрт мамлакатдан келган меҳмонларга маълум тушган эди... Мақтов яхши... Аммо мана бундай ташвишларчи? Нима қилиш керак? Нариги хонада ўлим билан олишаётган қизчанинг ахволи нима кечадир? Уни кечин кеч қайти бемор қизча Шонравнинг ахволи бир мунча яхшиланди. Биринчи доир-дармонлар, М. Оловидинова, М. Хабибова, Е. Паршиналарнинг ҳатти-ҳаракатлари зое кетмади. Учинчи синф ўқувчиси Шонрав шадло кўзларини очиб, тепасида турган ҳалоскорларини кўрди. Унинг қўруқлиги кетган лаблари беҳтебери шивирлади. «Раҳмат, аяжонлар!»

— ЭЛГА, инсонларга хизмат

қилишдан ҳам муқаддасроқ бурч бормикин... — дейди бош врач М. Е. Оловидинова, — бизнинг шифокхонамиздаги беш юзта яқин ходим халққа хизмат қилаётгани билан фахрланади. Касалхонамизда барча шарт-шароитларнинг бор бўлишига эришганмиз. Врачларимиз ўз касбларининг соҳибидир, олимлари Я. Я. Гордон, К. Х. Тагиров, И. А. Бодиялар билан кундалик алоқада бўлади. Олимларнинг касалхонамизда илмий ишлар олиб бориши бизларга жуда катта фойда келтирмоқда. Врачларимиз М. Араббев, Е. Штраубе, Г. Исломбеков, Ҳ. Хожибегановлар ҳар доим касални худлик билан даволашга ҳаракат қилиб келмоқда.

Шифокорлар эл хизматига бўлишларидан, инсонларга саноат-саломатлик бағишлаётганликларидан беҳад хурсандлар. Ҳўш, хасталарчи. Уларнинг ота-оналарини, нима дейишди? Мана айримларининг гаплари эшитинг.

Муқаддас Ганиева, Калинин районидаги 11-ўрта мактаб ўқувчиси:

— Мен ўғлим Исқандарни ҳаётга қайтарган мажор касалхона врачларидан абадий миннатдорман. Шодлик уларга умрбод бўлсин...

Юлдуз Султонова, Тошкент шифокхонада 6-турғуқхона ҳамшираси:

— Яқинда Шонрав шифокхонада шифо топиб қилди. У ашиқча қичиши билан дарбоза олдига уни кўтиб турган ойини кўзлар билан қўриб қолди. Минг надиёт билан, ҳам-алам ичидан фарзандини бу ерга олиб келган она бугун гўдагим очилди, тўлини ойда тўлассиз қилиб қичиб келаётган қизчасини кўтиб олмоқда. Қизча югуриб келди она бағрига отилди. Соғиниш қолган аниқ юфт ёшлар кўзлар билан қўриб қолди. Бу йиллар қувонч, дилдор қўруқчи ошларининг ёшлари! Бу қувонч эса уларга оқ халатли филоллар, меҳри дор, қўли гўл муҳижанкорлар ҳаёти қилдилар...

Р. УМАРОВ.

С О В Е Т Қ У Р И Л И Ш И

ДЕПУТАТ ОПА

Турсуной опа қолхоз идораси олдига келганда, автобусдан тушиб қолхоз парнини томон йўлга юрди. Шу вақт орадан кимдир чақиргандай бўлди. Турсуной опа ўтирилиб қараган эди, қизчасини етаклаб келатган аялини кўрди.

— Илоийм барака топинг Турсуной опа. Бугунчи очиб оғиримизни анча енгиллаштирдигиз-да. Сента бочка қуриб берган шу аниқ бўлади, кизим Қани анигга сен ҳам раҳмат айтгинчи... деди аёл қизчасига.

— Яхмат... деди қизча уялибгина.

— Арзимаиди, опа қизим... Турсуной қизчани бағрига босиб эркалаган бўлди.

Икки аёл шу зайлда сўхбатлашиб узоқ юришди. Қолхоз парнини ёнига етиб келишганда ҳалиги аёл самийий хайрлашиб ўнга бурлиди.

Бундан икки ой муқаддам қолхоз идорасида Советнинг депутаты Турсуной Турсунова билан сайловчилар учрашувда 7-мактаб ўқувчиси Азиза Иброҳимова қолхоз территориясида битта бочка очига ёрдам беришни сўрашган эди. Турсуной опа бу тўғрида тегишли ташкилотлар билан учрашди, маслаҳатлашди. Орадан кўп ўтмай хўжалик правленсининг йиғинида 100 ўғиллик болалар ботчасини қуриб ишта туширишга муваффақ бўлди.

Турсуной опа қарийб чорак асрдан буён Калинин районидаги Ленин номи қолхозда тер тўниб, хўжалик шўхрати учун курашиб келмоқда. У уруғчилик зеноси ҳақида қолхоз иллагичлик бригадасига раҳбарлиқ. Шунингдек, Турсуной опа қолхоз партия комитетининг аъзоси ҳамда хотин-қизлар советининг раиси ҳамдир. Турсуной опа кўп йиллардан буён ҳалол меҳнат қилиб хўжалик аъзолари орасида катта обрў орттирди. У камтарлиги, ишбилармонлиги, кексаларга раҳм-ўрғилиги, ёшларга

меҳрибонлиги билан эл мақтовига эришди. Уни қишлоқда фахр билан «бизнинг Турсуной опамиз» дейишадиган бўлишди. Шу бондан уни, иккинчи марта област Совети депутатлигига сайлашди.

Қишлоқнинг хоҳ катта, хоҳ кичи бўлмасин бирор иш қилмоқчи бўлса олдин Турсуной опага маслаҳат солади. Депутат Турсуной опа ҳам ҳеч бир вақтини аямай бундай кезларда бажону-дил қўлидан келган ёрдамни аямайди. Сайловчилар томонидан берилган нақзалари бажаришга ўзининг виждон бурчи деб қарайди.

Сайловчилар билан навбатдаги учрашувда қолхоз парнини хўжалигининг бошлиғи Гаффор Маннопов Келас посёласидан қолхоз марказигача бўлган катта йўлнинг ёмонлиги, айниқса, қиш кунлари қолхозчилар қийнаётганлиги ҳақида гапириб, шу йўлни туза-тиш юзасидан Турсуной опага нақаз берган эди. Турсуной опа меҳнати туфайли 10 километрлик бу йўлга тезда асфальт ётқизилди. Бундан ташқари қолхоз марказидаги ҳаммомнинг қуриб битказилишида ҳам депутат Турсуной опа асосий ташкилотчилардан бири бўлди.

Яқинда бир гуруҳ сайловчилар қолхозга водопровод ва газ келтириш ҳақида депутатга навбатдаги нақазни топширишди. Мана ҳозир қолхозга водопровод ва табиий газ келтириш юзасидан сметалар тузилиб бўлди. Келас йилда хўжалик ёлпасига водопровод суви ва табиий газ билан таъминланади.

Ҳа, област Советининг депутаты Турсуной опа халқ ишончини ана шундай оқлаб, уларнинг чексиз ҳурматиға сазовор бўлмоқда. Эл манфаати йўлида бундан кейин ҳам ҳормай-томай хизмат қилаверинг, Турсуной опа.

Б. ПУЛАТОВ.



ҚУШИНЛАРНИ КЎЧИРИШ ТАМОМЛАНДИ

ҚОҲИРА. 11 декабрь. (ТАСС). Қоҳирада чиқадиган «Алаҳром» газетасининг хабар беришча, Яман республика ҳукуматининг илтимосига кўра, 5 йил мобайнида Яман Араб Республикасида турган Миер қўшинларининг сўнгги гуруҳи (1000 киши) кеча Ўзбекистон Араб Республикасига қайтиб келган.

ЖИВОЯТЧИЛИК

БОНН. Германия Федератив Республикасида очилмай қолган жиноятлар сони кўпайиб бормоқда. Жуда кўпайиб кетган жиноятларга қарши курашда полиция оғир бўлиб қолди. Жиноят ишлар билан курашувчи федерал маҳкаманинг президенти Пауль Динкофф Вис-

ФИДЕЛЬ КАСТРОНИНГ НУТҚИ

ГАВАНА. Куба бош вазир-и Фидель Кастро Педагогика институтлари ва билим юрталари битирувчилар йиғилишида нутқ сўзлади. У мамлакат халқ хўжалиги учун юқори маалаки мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳукумат қилаётган жуда катта ишларни таъкидлади.

Бош вазир ўзининг нутқини

КЎЛАЙМОҚДА

бандида шу тўғрида гапириб айтдики, ҳозирги вақтда қилинган жиноятларнинг яқиндан сал кўпрогинини очиниш муваффақ бўлаётган. То-бора кўпайиб бораётган жиноятчиликни қайтариш имконини тополмай қолдим, — деди Динкофф.

ШАНХАЙДАГИ МУНОЗАРА...

Шанхайдаги «Ванхуэй бао» газетаси «партия қурилиш проблемалари» муҳокама қилишда «Шанхайнинг ўн ёшлик болалик санови ёшлар чолу-қарови» деб ўз ахлосини қатнаштириб, бутун ахлоснинг ишончли интиқдор бўлди. Газета «ранс Мао билининг зўр қарамонини, унга қарши чиққанларнинг ҳаммасини йўқотгани» деган мақолада Шанхайнинг ишчи районларидан бири бўлган Минханда «ранс Маонинг йўлини ўрганиш» нияди бораётганлигини ҳикоя қилиб берди.

Кампир Чжу су-Лань, деб ёзди газетани, илгари Маонинг айтганларига қўлоқ солиб, астойдил ишлар зарурлигини билар эди ҳолос. Лю Шао-ци (газета уни, Хитойда одат бўлиб қолган, партиядаги ҳокимият тепасида турган ва капиталистнинг йўлидан бораётган «энг катта одам» деб атаган) партия қурилишида нотўғри йўл ўтказиб келганлиги кампирнинг ҳақиқатга қанча келмаган эди.

Хитой Коммунист партиясидаги тартибларни Лю Шао-ци ўзгартиришга уринаётганлигини тушуниб олгандан кейин кампирнинг жуда «азоби» келди. У ўзининг чол ва уч боласи билан бирга, деб даъво қилади газетани, Мао мухолифларнинг партия қурилиш соҳасидagi йўлни таниқ қилишга беат бўлганда, Чжу су-Лань уни саводсиз бўлганлиги сабабидан Лю

Шао-чининг партия қурилиш тўғрисида «қора ният билан айтган ҳамма гапларини сўз-сўз айтиб беришни» болалардан итти-мош қилди ва болаларни ўқиб берган шу гапларнинг ҳаммасини ранс Маонинг асарларидан олиб чиқди. Газетанинг ёзишига қараганда, шундан сўнг кампир, гарчи жуда қийин бўлса ҳам бу раид фатини охиригача яқсон қилиш керак, дебди.

«Ванхуэй бао» газетаси давом қилиб яна бундай деб ёзди. Чжу су-Ланнинг эри 70 яшар Ян Вин-Чен кечалари билан ухламай янададан ўтириб таълим ва Лю Шао-ци нақадар аҳмоқ одам, ранс Маонинг кўра-га сатмалари тўғрисида сира ёслаб гапирмабди. Мао Цзэ-дуннинг «порлоқ идеялари ҳақида ҳеч нима демасди», деб нуқул уйлаганига ўйланган. Чол шуларни ўйлаб бериб уйқуен келмасди, шунинг учун ҳам у ўз кампир билан мунозара қилишга кирчиларди, деб даъво қилади газетани. Кампир унга ранс Мао бугун қулибди революция халқларнинг раҳамоси, деб тушуниб берди.

Сўнгга газетанинг ёзишига қараганда, «тор кўчанинг кеиса қолди» Хуан Я-цзюнь деган нам-

да, бошланғич мактабларда бир миллион 382 минг бола, юқори синфларда 147 минг бола ва олий ўқув юрталарида 40 минг йилит ва қиз ўқиб турганлигини айтди.

Ҳозир мамлакатда, деди Фидель Кастро, 7 минг врач бор, бу врачлар бутун мамлакатда революциядан олдинги вақтга қараганда яхшироқ таъминланган. Ҳукуматнинг планига мувофиқ 1970 йилда олий ўқув юрталари 2800 инженер тайёрлаб беради. Ўтган 50 йил давомида тайёрланган инженер бундан анча кам эди.

Фидель Кастро, олий маълумотли кишилар йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини таъкидлаб, бундай мутахассислар тайёрлаш сифати яхшилана беради, деди.

СУВ ТОШҚИНИ ОҚИБАТЛАРИ

ЛОНДОН. Рейтер агентлигининг мухбири Лиссабондан хабар беради: шу йил ноябрда Лиссабон атрофида бўлган сув тошқини натижасида 450 дан кўпроқ киши ҳалок бўлди, бир мингдан кўпроқ уй емирилди ва яна шунча уй қинқастланди.



Алдис-Абейанинг марказида музика мактаби бунёд этилаётган. Бу мактабни Болгария ҳукумати Эфиопияга қуриб бермоқда. Суратда: Болгария Халқ Республикасида келган мутахассислар ва эфиопиялик инженерлар қурилиш майдонида. БТА—ТАСС фотоси.

ЖАСУР ЧЕКИСТЛАР—ЭКРАН БАҲРАМОНЛАРИ

Бошқаларнинг бахти саодати йўлида ўз жонларини таҳлика остида қолдириб матонат билан курашувчи жасур кишилар кўрмас чекистлар ҳаёти энг оммавий санъат—кино асарлари учун бой ва мароқли материал беради. Маккор душманларнинг ниёбларини йиртиб, ифлос кирдиқорларнинг фой этини, манфур қўлуручиларин зарарсизлаштириш жосуслари ушлаб олиш, душман ичиде бўлиб, муҳим маълумотларни қўлга киритишни матонатли чекистлардан иш билармонлик ва жасорат, билим ва тadbиркорлик, садоқат ва чидам талаб қилади. Чекистларнинг хоҳ мамлакат ичкарисидаги фой этувчилик ишлари бўлсин, хоҳ душман уюсидаги разведкачилик фаолияти бўлсин фақуллода қизиларни саргузаштлар билан тўқидир. Бу аjoyиб ишлар совет кинематографисининг асоси—дидектив жанридаги асарларида ҳикоя қилинади.

Совет саргузашт фильмлари аjoyиб традицияларга эга. Совет саргузашт фильмидаги мазмун ва мундарижаси, шакли ва бадиияти билан олди—қонди ленталаридан, голландиянинг урдабурро агент 0—07—Жеймс Бонд қилмишларини мадҳ этувчи бутун бир серия фильмларидан япон гангстерларини улугловчи асарларидан тамомил фарқ қилади.

Совет саргузашт фильмлари негизда доимо адолат, одамийлик, ялгор, гўзал гоиларнинг тапансан учун кураш мотивлари ётади. Совет чекистлар экранининг муҳим қаҳрамонлари бўлиб қолдилар. Совет саргузашт жанри фильмларини кўздан кечирар эканмиз, «Ленин 1918 йилда», «Евуз қўнлар», «Элчилар фитанси», «Фавкуллода топириш», «ЧК ҳолими», «Паролнинг ҳожати йўли», «26-чиси отилмасин», «Матонатли кишилар», сингари ўнлаб бадиий ленталар ва БЧК ташиқотчи «Касорат», душман кирдиқорларини очиб ташловчи «Фой қилиш», мамлакат сарҳадларини қўриқлаб турувчи посбонларнинг жасоратини мадҳ

этувчи «Чегара қўриқловчилар», «Чегара ўтган жойда» каби кўплаб ҳужжатли фильмларни эста оламиз.

Ҳозирги Ўзбекистон экранларида шонли чекистларнинг 50 йиллик байрами муносабати билан кинофестиваль ўтказилаётди. Бу фестивалнинг олижаноб фаолиятини асос эттирувчи энг яхши фильмлар намоиши қилинмоқда. Мамлакатимизда барча халқларнинг вакиллари кўринмас фронт лашкарлари сафиде жанг қилиб зафар қўнган миллий қаҳрамонлар билан ифтихор қиладилар.

Ҳар бир халқ ўзининг кўринмас фронтнинг аjoyиб баҳадурлари билан фахрланади. Ана шундай жасур чекистлар ҳақида арманлар «Шахсан маълум», «Фавкуллода топириш», оазарбайжонликлар «Наринг», сохилда», украинлар «Жар ёнисада ички йил», ўзбеклар «Янгирма олтинчиси отилмасин» каби ҳажжонли саргузашт фильмлар яратиб ўз миллий қаҳрамонларини улуглайдилар. Чекистлар ҳақидаги асарият фильмлар айна ҳаётнинг ўзидан олинган ва ҳужжатларга асосланиб яратилган. Ана шундай ҳужжатларга асосланган фильмлар орасида «Разведкачининг жасорати» ва яқинда экранларга чиқарилган «Матонатли кишилар» бадиий фильмлари алоҳида ўрин тутадилар.

Номи шон-шухрат билан қолган арфоники совет разведкачиси Михаил Кузнецов ҳақида ҳужжатли-хроникал роман миллионлаб совет ва чет эл киноҳўналарига манзур бўлган. Ана шу жасур чекистларни уруш йилларида Ровно райониде уя қўриб олган фашистлар қароргоҳида қилган ишлар ҳақида янгирма йилга бурун режиссёр Борис Барнет «Разведкачининг жасорати» деган аjoyиб фильм яратган эди. Бу фильм ўзининг голий юксаклиги, бадиий баркамоллиги билан совет саргузашт фильмларининг классик асари бўлиб қолди.



Суратларда: «26-чиси отилмасин».

Ана шу қаҳрамоннинг жасурона ишлари Свердловнинг студиясида ишланган ички серия «Матонатли кишилар» фильми асос бўлди. Бу фильм ҳам ҳужжатларга асосланган, воқелики реал асос эттирган разведкачиларнинг матонатли ва жасоратини, ишбилармонлиги ва диверсионлиги, доимий одамийлигини таъсирли саҳналарида талқин қила олган ички серияли фильм. Фильм ички серияли бўлиб, операторлик, режиссерлик, актёрлик талқинлари билан томошбинларда чуқур таассурот қолдиради. У кишиларимизни, айнақса ёшларимизни жасурлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Шунингдек, яқинда экранларга чиққан ёзувчи Юлиан Семенов билан режиссёр Борис Григорьевичнинг ички серияли «Паролнинг ҳожати йўли» саргузашт фильми ҳам совет чекистларининг олижаноб жасурона ишларини мадҳ этади. Унда Феликс Дзержинский билан махсус топириш олиб, қолларини Блюхер, комиссар Постишев қўнларига ёрдам бериш, Узоқ Шарқда қўзғалов кўтариб, «Янгирма ҳужжат» тугатган рус савдотари Меркулов, атаман Семенов, оқ гвардиячилар разведкачи бошлиқ полковник Гаврилов ва кўнларимиз разведкачи ички нурли қаҳрамонларидир.

М. ЯХЕВ.



«Юлқа муз устида».



«Мурасиз ўйин».

«Уларни кўрганда таниридилар».

фильмларидан кадрлар.

АКА-УКА ЖАСОРАТИ

СУНОҚ. «Тошкент ҳақиқати мубиринди». Южор Чирчиқ рай ондаги Калинин номики колхоз партия ташкилотининг секретари Шолдор Йўлдошев ана ука Жасоратларнинг аjoyиб кўрсатган жасоратлари ҳақида кўнларидеги ҳикоя қилиб берди.

Тоғ ва унинг еибгарларини халдан ташқари қуқум туман босган эди. Бир пайт жарикдан баҳайбат йиртиқ ҳайвон кела бошлади. Ака-ука эъдан кузатиб, ун қандай бўлмасин кўлга киритишга аҳд қилишди. Буни пайкаган ҳайвон уларга ҳамла қилмоқчи бўлди. Лекин, кейин негиди йўлини ўзгартириб қочиб кетмоқчи бўлди. Дам олиш уйининг

панжарасидан сакрашга ҳаракат қилган бир пайтда унинг боши панжарага тикилиб қолди. Фурсатдан фойдаланган Улуг тез ҳаракат қилиб, бўрининг орқа томонига ўтиб ва ички обжикни маҳкам ушлаб кўлдан чиқармади. Акаси Умар эса бўрининг бошига тез билан бир неча бор уриб, ҳолсизлаштирди. Иккинчи ҳуждан кетиб қолди. Кейин бир ерга келган дам олувчилар ва колхозчилар ана-уканинг жасоратига қўйил қолдилар.

Колхоз правелинеси Умар ва Улуг Жасоратларнинг бу хизматини ҳисобга олиб, уларни бир қўй билан мукофотлади.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Пойтахтимиздаги Марказий шахмат-шахча клубида рус шахматси бўйича Ўзбекистон жойлики чемпионати ўтказилди. Бунда Тошкент, Самарканд, Қорақалпоғистон АССР ва республикамизнинг бошқа областларидан келган кучли 15 шахматчи қатнашмоқда.

Тўрт турдан кейин ўз яримтадан очко тўплаган Л. Жефр ва С. Бороховлар пешнадамлик қилишмоқда.

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ВА БАСКЕТБОЛЧИЛАР ТУРНИРИ

Тошкент ва Чирчиқ шаҳрида баскетбол ва волейбол бўйича республика ёшларининг саралаш мусобақалари уч кун давом этди. Бу биринчилида Тошкент, Самарканд, Фарғона шаҳарлари ва Тошкент областларининг ёш спортчилари қатнашмоқда.

Тошкентдаги Армия спорт клуби эъдан ёш баскетболчилар учрашдилар. Бу турнирда 1950—1951 йилда туғилган қизлар ва ўсмирлар куч еиналишди. Қизлар ўртасида ҳам, ўсмирлар ўртасида ҳам сира мағлубиятга учрамаган меҳмонлар голиб келишди.

Чирчиқда баскетболчилар беллашилди. Қизлар ўртасида Фарғонадаги 1-болалар спорт мактаби вакиллари, ўсмирлар

ўртасида Тошкентнинг «Старт» командаси биринчи ўринни эгаллади.

Голиблар келаси йил январ ойида ўтказиладиган Бутунитифок зонал мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини олишди.

ГОЛИБЛАР САФИДА

Луганскда мамлакат биринчилиги учун «А» классида қатнашадиган волейболчи хотин-қизлар командалари ўртасида «Спартак» кўнглили спорт жамияти Марказий Советининг биринчилиги бўлиб ўтди. Тошкент спартакчилари (тренери А. Израйлов) учрашувларни кўтариниб қўлда ўтказдилар. Улар Москва, Ленинград, Харьков, Донецк ва Ереван командаларини мағлубиятга учратди. Иркутск ва Минск волейболчиларига ютқазиб қўйишлари қарамай, фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

ГИЛАМДА—СТУДЕНТЛАР

Львов шаҳрида эркин кураш бўйича физкультура институтлари командалари ўртасида Бутунитифок мусобақалари ўтказилди. Бунда Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг спортчилари ҳам қатнашди. Тошкентлик спортчилар кучли рақибларини орда қолдириб туртинчи ўринга чиқишди.

П. КОНОВАЛОВ.

ИНСОНЛИК ШАЪНИГА ФАРЗАНД ЭЪТИБОР

ОИЛА бир чаман бўлса, фарзанд шў чамачининг яшнаган гули. У ўғилни, қизини барийроф ота-она учун азият юрак дилбанди. Фарзанднинг бир нафаслиқ табассуми, талпинишини дунёдаги ҳоҳнарсига тенгаштириб бўлмайди.

Мана шу ўғилда мен ҳали орамизда учраб турадиган ачинч ҳақиқат тўғрисида гапирмоқчиман. Туғилган смендан уйга қайтиб-экинчи очар ачинаман, тўғилч қизим мени дили тўла шодлиқ билан наршилади.

—Адакюн суюнчи беринг, унақил бўлдим.—деди у.

Хушхабарини айтишга тўғриворганга бошига ойнадим. Қўвончининг чексизлигиндан бир дақиқа шовиб қолдим. Кейин ховлидаги туман гуллардан бежирим қилиб гўлдаста ясадим. Унинг ўтасига ошрайхон, садарайхонлардан кўнлаб боғладим. Ўзимни жулда хушвақт хис қилардим.

Мана автобус тўхташ жойида қўлдамизда гўлдастани аялайлаб ушлаб турибман. Шў аснода ёнимга бир аеча йиллик таниш ўртоғим келиб хол-аҳвол сўрашди. У қўлдамизда гўлдастага ишора қилиб сўради:

—Хўш, ўғилми ё қизми?

—Қиз.—деб жавоб бердим. Шунда у чуқун ҳоҳлаб кўлдиги, худди чиниқ кулгуси бо-

шимдан бир челақ муздек сув қуйгандек бўлди. Шў кўлгидан кейин у нима деди дент:

—Оббо оғайин-ей, яна қиз бўптида-а, брайбесанда, брайбесан.

Одамлар ялт этиб биз томонга қарашди. Меннинг бўлса лабларим титради. Хар қалай ўғилни тутдим. Ўртоғим кўзимга очинири айтсам, бир маҳлуқка ўхшаб қўрилди. Бир нафас юзига нафрат билан божик турдим-да, кейин юзимни шарт ўгириб, ундан йиринқашдим. Мана ҳозир унга айтадиган ички оғиз сўзим бор.

«Номингга талмита олишини эл қўрмаган ўртоғим ёнғит айтчи сени дунёга келтирган, туғилари мижна қокмай бағрига босиб алаадаган, гард юк тирмай юзб-тараб балогатга етказган ким ўн? Агар билмасанг биллиб қўйки, У, меҳрибон, муштинлар, мунис онам бўлади. Ха, у ҳам онадан қиз» туғилган. Яна бир нарсанга сенга эслайтиб қўйи Ҳозир бизнинг замонамизда қизларимиз, ола-сингилларимиз сиз билан менинг на-торимда туриб коммунистин жамият кўнли бўлида астойдил меҳнат қилипти. Ер кўррасидан кўтариллиб, осмонни фаланик кўчганлар орасида, бутун дунёни қойил қолдирган қизимиз

бор. Шундай бўлгандан кейин энди кўз очиб жаҳонин кўрган қизимиз қаматинишга нима ҳақ-ҳиқ бор?!

«Тўғруқхона» дарвозаси ёнидаги деворга осилиб турган беморлар рўйхатидан умр йўлдошимнинг қайси палатада эканини билмоқчи бўлиб турган эдим, ҳолати бешанг қилинган бис йилгит ҳовлиқиб кириб келди. У ҳам худдики билан рўйхатга назар ташлаб, қўрқаткич бармоқ билан Мнр-жамолова деган фамилияни тоиди. Унинг тўғрисида «қиз» деб ёзиб қўйилган эди. Қайси тил билан назор қилайкин, га-забдан титраб кетди йилгит. Бейхитёр «тфу» деб юборди. Дид билан ясалган гўлдастани оғзи остига ташлади-да, тоғон билан мажнуб, хованд шовиб билан чиниб кетди. Унинг ҳаракатини змидан кузатиб турган бир нуруний қампир «ҳаҳ фарзанд кўр қилгўр» деб қолди.

Ана шу воқеадан кейин мана шунча ёшнинг лозим қўрилди. Уғил-қизимиз бизга барбар, инсонлик шаънига фарзанд эътибор! Хеч аримасин фарзандларимизнинг таъсир ҳанда-

А. ХОЖИХОНОВ.

1-ун комбинатининг диспетчер.